

Бир бор экан, бир йўк экан, ўтган замонда бир камбагал дехкон бор экан. Унинг атиги бир танобгина ери бор экан. Дехкон шу ерда кечаю кундуз тинмай меҳнат килиб кун кўрар экан. Баҳор келиб қолибди. Дехкон ер хайдай бошлабди. Ерни икки марта хайдаб бўлиб, яқинидаги катта сойнинг бўйида салкинлаб ўтирса, осмонда учиб кетаётган бир лайлак йикилиб тушибди. Дехкон караса, лайлакнинг каноти синик эмиш. Дехкон халиги лайлакни дарров уйга олиб бориб, синик канотига тахтакач боглаб бир канча вақт уни боқибди. Лайлак согайиб, учиб кетибди.

Бир кун дехкон чигит экиб юрса, лайлак пастлаб учиб ўтибди. Дехкон эса чигитни экаверибди. Бирок лайлак яна пастлаб ўтибди. Шу ўтишда уч дона тарвуз уруги ташлаб кетибди.

Бир неча кундан кейин чигит билаи баравар тарвуз уруги ҳам униб чиқибди. Экинни вақтида ўтабди, сугорибди, чопибди. Шундай килиб, хосилни йигадиған пайт ҳам келибди. Бир куни тарвуздан учтасини узиб, уйга олиб кетибди. Тарвузлар жуда катта экан. Дехкон ўзининг яқин қариндошларини ва ошна-огайниларини меҳмон килиб чақирибди. Бир маҳал тарвузга пичок урса, пичок сира ботмас эмиш. Уни кўйиб иккинчисини сўймокчи бўлибди, пичок ўтмабди, учинчиси ҳам шундай бўлибди. Дехкон ҳам, меҳмонлар ҳам хайрон бўлишибди. Ерга бир уриб ёриб карасалар ичи тўла тилла эмиш. Қолган иккитасини ҳам ёриб кўришибди. Уларнинг ичи ҳам тилла эмиш. Камбагал севиниб кетиб, ҳаммасини меҳмонларга улашибди, улар ҳам хурсанд бўлиб, уй-уйларига тарқабдилар. Уч туп тарвузнинг ҳар бири ўнтадан солған экан. Дехкон қолган тарвузларни ҳам йигиб олибди. Шундай килиб камбагал дехкон жуда бойиб кетибди.

Унинг бир бой дехкон кўшниси бор экан. У халиги камбагал дехкондан: «Сен нима килиб бойидинг?» деб сўрабди.

Дехкон воқеани айтибди: «Кўшни, менинг еримни ўзингиз биласиз. Эрта баҳордан ерни хайдашга қиришдим. Бир кун чарчаб, сой бўйида салкинлаб ўтирсам, осмонда учиб кетаётган бир лайлак йикилиб тушди. Карасам бир каноти синған экан. Раҳмим келиб, кўтариб уйга олиб келдим. Канотини тахтакач билан боглаб, дори-дармон билан парвариш қилдим, боқдим. Лайлак бир неча кундан кейин тамом согайиб учиб кетди. Қунлардан бир кун ер хайдаб бўлиб, чигит экиб юрсам, халиги лайлак тепамдан учиб ўтди. Ишимни қилавердим. Бир оздан кейин лайлак орқасига қайтди. Қайтишда пастлаб учиб ерга уч дона тарвуз уруги ташлаб ўтди. У уруглар ердан униб чиқди. Уни гўзаларим билан баравар парвариш қила бердим. Тарвузларни сўйсам, ичидан тилла чиқди. Шундай килиб бойиб кетдим», — дебди.

Буни эшитған бой дехкон: «Зора мен ҳам шундай олтинларни қўлга қиритсам», деб сойга бориб турибди. Бир вақт бой нарироқда бир лайлакни кўрибди. У секин бориб, пойлаб туриб лайлакнинг оёғига таёқ отибди. Лайлакнинг оёғи синиб, учолмай қолибди. Бой дарров уни тутиб, уйга олиб келибди, оёғига тахтакач боглаб, парвариш қилибди. Бир неча кундан кейин лайлакнинг оёғи тузалиб учиб кетибди. Бой дехкон ҳар куни далага чиқиб, лайлакни қутаверибди. Қунларнинг бирида унинг тепасидан таниш лайлак ўта туриб икки дона уруг ташлаб кетибди. Уруги кўқариб чиқиб тарвуз солибди. Тарвуз пишиши билан бой дехкон ҳамма қариндош-уругини меҳмонга чақирибди. Тарвузга пичок урган замон ичидан катта-катта ковок арилар чиқиб, ўтирганларни талай бошлабди. Бой тура солиб уларни хайдамокчи бўлғанда, арилар уни боши демай, юзи демай чақиб ташлайверибди. Орадан сал ўтгач, бойнинг қалласи, бурни, лаблари шишиб кетибди.

Бунинг аламига чидолмай, ўзини катта сувга ташлаб чўкиб кетибди.  
Камбагал дехкон халоллик билан муродига етибди, бой дехкон ўз килмишига яраша  
жазосини тортибди.